

Дехқонова Н.С. – ТошДАУ,  
катта ўқитувчи

## МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқарувчилар ва давлатнинг ички ва ташқи бозорларда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини сотишдан келадиган даромадларининг ортишига кўмаклашади.

**Калит сўзлар:** Қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик фаолияти, мева-сабзавот маҳсулотлари, қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш корхоналари.

Стратегия развития предпринимательской деятельности и развития производства плодоовощной продукции – способствует увеличению доходов производителей и государства от реализации на внутреннем и внешних рынках продукции плодоовощной переработки.

**Ключевые слова:** Сельское хозяйство, предпринимательская деятельность, плодоовощная продукция, перерабатывающие предприятия в сельском хозяйстве.

The strategy for the development of entrepreneurial activities and the development of fruit and vegetable production will contribute to an increase in the incomes of producers and the state from the sale of fruit and vegetable products on the domestic and foreign markets.

**Key words:** Agriculture, business, fruits and vegetables, processing enterprises in agriculture.

Ўзбекистоннинг қулай табиий-иқлимий шароитлари, фидокор ва меҳнатсевар халқи, шунингдек давлатнинг бу йўналишдаги чуқур ўйланган стратегияси аграр секторнинг динамик ривожланишига кўмаклашади: бизнинг еримизда ер ва қуёшнинг ажойиб, ширин, экологик тоза, дунё бозорларида кенг истеъмолга эга бўлган неъматлари етиштирилади [3, 2-бет].

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни кўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПП-2460 сонли “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида” ги Қарорида белгилаб берилган [1].

Бу тармоқ мамлакат иқтисодиётида банд бўлганларнинг сони ва солиштирма оғирлиги бўйича етакчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида агросаноат мажмуаси соҳасида ўтказилган кенг кўламли ислохотлар ва сифат ўзгаришлари, экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсатнинг амалга оширилиши нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки аҳолининг турмуш даражасини ҳам сезиларли даражада ошириш имконини берди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2016 йил якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида қилган маърузасида қуйидагилар қайд қилинган: «Иқтисодиётнинг тармоқларида, конкрет корхоналарда, шаҳарлар ва туманларда, айниқса қишлоқ жойларда мавжуд аҳволни чуқур ўрганиш зарур бўлади». “Фермер хўжаликлари етарлича айланма маблағлар, зарурий техника ва бошқа моддий-техник воситаларга эга эмас, бу қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигига, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ва умуман фермер хўжаликларининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатмоқда”[2, 23-бет].

Ҳозирги кунда қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш жараёни амалга оширилмоқда. Бунда қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра мамлакатда фермер хўжаликларининг сони 83,5 мингтадан 101,1 мингтагача, ёки 21% га ошган, бунда фермер хўжаликлари ер участкаларининг ўртача ўлчамлари 43,9 дан 36,1 гектаргача қисқарган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг энг юқори ўсиш суръатларига Андижон (ўсиш суръати – 108,0%), Бухоро (107%), Навоий (107,3%), Самарқанд (107,3%), Тошкент (107,0%) ва Фарғона (107,0%) вилоятларида эришилган.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда ҳосилдорликнинг, ва шундан келиб чиққан ҳолда, мева-сабзавот маҳсулотларининг барча турларини ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсиши амалда кузатилмоқда (1-расм). Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун мўлжалланган экин майдонларининг кенгайтирилиши ва пахта майдонларининг қисқартирилиши ҳам шу ҳисобга киради.




**1-расм. Мева-сабзавот экинларининг ялпи ҳосили, минг тонна.<sup>1</sup>**

Мева-сабзавот саноатининг ривожланиши аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига, қишлоқлардаги оилаларнинг даромадларини ортишига, қишлоқларда бандликнинг ортишига, қайта ишлаш саноатининг ривожланиши ва экспорт салоҳиятининг ортишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш саноати жадал ўсиш учун барча базавий шарт-шароитларга эга бўлган тармоқлар қаторига киради. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги хомашёсини етиштириш йилдан-йилга кўпаймоқда, каттагина меҳнат салоҳияти мавжуд, кўпгина қайта ишлаш корхоналари хорижда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланган.

Йирик қайта ишлаш корхоналаридан ташқари қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи унчалик кўп бўлмаган кичик корхоналар ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Улардан баъзи бирлари пишлоқ ишлаб чиқариш, гўштга қайта ишлов бериш, макарон маҳсулотлари, куруқ мевалар, шарбатлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Бу корхоналарнинг баъзи бирлари уйларда ташкил қилинган, уларнинг маҳсулотлари маҳаллий бозор учун мўлжалланган, бу маҳсулотлар озиқ-овқат бозорларида ёки маҳаллий кичик чакана савдо корхоналарига сотилмоқда(2-расм).

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.



**2-расм. Қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик тадбиркорлик билан банд бўлган одамлар сонининг ўсиш динамикаси.<sup>2</sup>**

Бундай кичик корхоналарнинг маҳсулотлари унчалик катта бўлмаган миқдорларда йирик миллий чакана савдо корхоналарига сотилади ёки уларга умуман сотилмайди, чунки ишлаб чиқарувчилар минимал ҳажм бўйича қўйиладиган талабларга мос келмайди ёки универсал маҳсулот кодларини олиш учун солиқдан рўйхатдан ўта олмайди. Қишлоқ иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган хўжалиги соҳасининг қолган иштирокчилари хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади, чакана савдо, улгуржи савдо, тижорат фаолияти, банк фаолияти, кредит уюшмалари ва микромолиялаштириш ташкилотлари, маҳсулотларни ташиш ва бошқа майда хизматлар кўрсатиш ҳам шу ҳисобга киради. Дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг товар айланмаси тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвалда батафсилроқ кўришимиз мумкин бўлади. (1-жадвал) [3,5-бет].

*1-жадвал*

**Дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг товар айланмаси.<sup>3</sup>**


	2012	2013	2014	2015
Жами	11291,0	15382,2	18905,4	223983,2
Шулардан:				
Ўсимлик маҳсулотлари	3697,6	4700,1	5401,5	6444,9
Картошка	255,1	528,3	551,8	636,2
Сабзавотлар	1103,1	1216,4	1230,7	1692,0

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

Мевалар	1222,1	1667,9	2053,9	2358,5
Тарвуз, қовун	146,7	196,9	280,3	284,0
Чорвачилик маҳсулотлари	2867,8	3985,3	4840,8	6205,9
Гўшт	2131,4	2882,2	3485,6	4579,8
Парранда	64,9	86,8	103,8	156,1
Сут	35,8	54,5	67,7	76,6
Творог	42,0	62,9	67,8	78,1
Сариёғ	41,1	64,0	83,6	105,1
Тухум	299,3	469,5	614,5	669,8
Қорамол	3897,9	5388,8	7415,9	9867,2

Ҳозирги кунда қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш жараёни амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини барпо этиш орқали мустақил хўжалик юритувчи мулк эгалари шаклланди. Кичик бизнес корхоналари бозор иқтисодиётига хос турли макроиқтисодий шарт-шароитлар ва талабларига мослашиши имкониятларига эгаллиги билан устувор аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда кичик бизнес тараққиётининг кескин авж олиши натижасида уларнинг мамлакатда яратилаётган ялпи ички маҳсулот салмоғидаги улушининг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар посёлкалари категориясига киритилиши инфратузилма ва хизматларнинг такомиллашувига олиб келади, бу уларни ривожланиш марказларига айлантириши мумкин. Бунинг устига, коммунал хўжалик объектлари учун давлат инвестицияларини жалб қилишнинг муваффақияти (у хоҳ давлат бюджетидан инвестициялар кўринишида бўлсин, хоҳ хусусий сектор-давлат шерикчилиги инвестициялари кўринишида бўлсин) у ёки бу районлар тадбиркорлик учун имкониятларни ярата олиш-олмаслигини белгилайди, чунки газ, сув ва электр энергиясини ишончли етказиб бериш, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарурий шартлардан бири бўлиб ҳисобланади (3-расм).




**3-расм. Иқтисодий тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши.<sup>4</sup>**

Сифатли тайёрланган инвестицион таклифлар давлат инвестицияларини жалб қилиш учун нисбатан катта имкониятларга эга бўлади деб тахмин қилиш ўринли бўлади. Инвестицияларнинг миқдорий ўсиши ички инвестиция дастури (маблағларни ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳисобига сафарбар қилиш) воситасида таъминланади. Инвестициялар сифатининг ўсиши ички (фан ва техника ютуқларини татбиқ қилиш) ва тегишли ташқи инвестиция дастури (хорижий инвестициялар-техник таркиби ва хусусиятига кўра юқорироқ бўлганларини жалб этиш) воситасида таъминланади. Ички инвестиция дастури ҳам ташқи инвестиция дастури ҳам, ҳар иккаласи инвестициялашнинг турли манбаларидан турли шакллардаги инвестицияларни жалб этиш заруриятини назарда тутаяди. Инвестиция дастурининг моҳияти ва мазмуни энг қулай ҳуқуқий воситаларни топиш – инвестиция жараёни ва инвестицияни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат. Рационал инвестиция дастурини амалга ошираётган давлат ихтиёрида ҳуқуқий тартибга солишнинг икки воситаси мавжуд: миллий-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий. Давлатнинг ташқи инвестиция дастури ҳуқуқий нуқтаи назардан хорижий инвестициялар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишдан иборат бўлиб, бу миллий ҳуқуқий тартибот, миллий ҳуқуқий шакллар ва нормалардан (қонунлар ва бошқа меъёрий актлар) ҳамда халқаро-ҳуқуқий тартибот, халқаро-ҳуқуқий шакл ва нормалардан (икки ва кўп томонлама шартномалар ва битимлар) фойдаланишни назарда тутаяди. Буларнинг барчасида ҳам ички ҳам ташқи инвестиция сиёсатлари ҳисобга олиниши шарт.

Ичимлик суви таъминоти ва электр таъминоти соҳаларида инвестицион таклифларни тайёрлаш ва таҳлил қилишни қўллаб-қувватлаш шу тариқа

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

давлатнинг инвестиция дастурини тузиш жараёнининг такомиллашувига кўмаклашиши лозим (4-расм) [3, 6-бет].



**4-расм. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестициялар улуши<sup>5</sup>(2015 й)**

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган дастурда янги совутиш камераларини қуриш ва амалдагиларини реконструкциялаш параметрлари белгилаб берилган. Бу мақсадлар учун 187 млрд. сўм ажратилган, шундан 71,3 млрд сўм компанияларнинг ўз маблағлари, 115,7 млрд сўмни тижорат банкларининг кредитлари ташкил қилади.

Сақлаш ва логистика тармоғида ишлайдиган корхоналар учун ҳам имтиёзлар кўзда тутилган. Улар 2015 йилгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастур доирасида олиб келинган совутиш ва омборхона асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва материаллар, юклаш-тушириш техникаси учун божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган [5].


Натижада 2016 йилда Республикада мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг умумий қуввати 892 минг тоннадан ортиқни ташкил қилган. Бундай қувват мева-сабзавот маҳсулотларини мавсумлар оралиғида узлуксиз ва нархларнинг мавсумлар оралиғида кескин ўзгаришларисиз сақлаш, мамлакат аҳолисини бу маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, экспорт имкониятларини кенгайтириш имконини беради.

Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ўз-ўзидан аёнки, қайта ўқитиш ва қайта малакаларини ошириш, каттагина миқдордаги ишчи кучини

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

қишлоқ хўжалигидан озод қилиш бўйича чора-тадбирлар кўришни талаб қилади.

Шу муносабат билан, мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўл харитасининг қуйидаги учта мақсадлари устувор йўналишлар деб белгилаш мумкин (5-расм):




**5-расм. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг йўл харитаси.**

Қўшимча қийматни ошириш сиёсати давлат томонидан мажмуавий қўллаб-қувватлашни назарда тутаяди, бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, шунингдек қўшимча қиймат билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга потенциал кўмаклашиши мумкин бўлган бошқа чора-тадбирларга урғу берилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш қўшимча қийматни ошириш ва қишлоқ жойларда аҳолининг даромад даражасини ошириш учун энг яхши истиқболларни таъминлайди. Бу тагсектор бозорларда фермерларга нарх-наво тўғрисидаги маълумотларни узатишни таъминлаш билан қишлоқ секторида динамик элемент сифатида чиқади. Бироқ бу тагсекторни ривожлантириш ўтиш иқтисодиётига эга бўлган барча мамлакатларда муаммоли ҳисобланади. Умумий тавсифдаги ишга тегишли маслаҳатлар билан бир қаторда (корхоналар уларга Ахборот Марказлари, савдо-саноат Палаталари воситасида осон эришиши мумкин) озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган микротехнологик қурилмаларни тақдим қилиш воситасида махсус ёрдам кўрсатиш ҳам кўпгина мамлакатларда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш учун мўлжалланган микротехнологик қурилмалар, моҳияти бўйича,



озик-овқат саноатининг бизнес-инкубатори бўлиб ҳисобланади, янги қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган хўжалиги корхоналарига фаолиятни бошлаш ва вақт ўтиши билан фойда оладиган корхоналарга айланиш имконини беради

Қуйидагилар мева-сабзавот маҳсулотлари бозорининг асосий муаммолари бўлиб ҳисобланади (6-расм):



**6-расм. Мева-сабзавот бозорининг асосий муаммолари.**

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш стратегиясининг мақсади - ишлаб чиқарувчилар ва давлатнинг ички ва ташқи бозорларда қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини сотишдан келадиган даромадларини оширишни кўзда тутди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектлар мева ва сабзавотларнинг ҳосилини хориждаги улгуржи харидорларга ёки янги узилган мева ва сабзавотларни экспортга олиб чиқиб кетадиган воситачиларга эмас, мамлакатнинг ичида сотишни афзал кўриши учун бир қатор чора-тадбирларни қўллаш мумкин.

Биринчидан, қайта ишлайдиган корхоналарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермерларнинг манфаатларини кўпроқ даражада қаноатлантирадиган муддатлар ва формаларда ҳақ тўлаш имконини бериш зарур. Баҳорда қайта ишлаш корхоналарининг ўзларида ҳам айланма маблағлар бўлмаслиги сабабли (фермерларга эса айнан баҳорда пул айниқса керак бўлади), йирик банклар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга аванс бериш учун кредит линияларини очишлари мақсадга

мувофиқ бўлади. Қайта ишлаш корхоналарига бу линия бўйича кредитлар қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот хомашёсини сотиб олишни аванслаш учун олти ой имтиёзли муддат билан бир йилга берилиши мумкин. Бунда фойиз ставкалари бўйича ҳеч қандай имтиёзлар кўзда тутилмаслиги, улар бозор билан бир хил бўлиши лозим. Бу кредитларга маблағлар қишлоқ хўжалиги сектори билан ишлайдиган ва давлат улуши бўлган банкларнинг ўз ресурсларидан йўналтирилиши мумкин.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун рағбат тариқасида қайта ишлаш корхоналари ва фермер хўжаликларини асбоб-ускуналар сотиб олиш, транспорт хизматларини тақдим қилиш, ҳосилни сақлаш шарт-шароитларини яратиш ва ҳоказолар учун инвестициялашнинг ҳуқуқий механизминини такомиллаштириш лозим бўлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ҳам, қайта ишлаш корхоналари учун ҳам мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик кўзда тутилиши лозим. Амалга оширилган кенг кўламли чоратадбирларни ҳисобга олиш билан иқтисодий ва ижтимоий натижалар – кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун катта импульс ҳисобланади. Маҳсулотни етиштириш ва савдо-сотиқ қилишнинг янги технологияларини жорий қилиниши, барча тақсимланиш даражаларида маҳсулотларга реал нархларнинг шакллантирилиши, кичик ва ўрта корхоналар, фермерлар ва деҳқон хўжаликларининг бозорга эркин кириши ва маҳсулот сотишининг кафолатланиши, бозорларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг илгари сурилиши, уларнинг хориждаги ўхшаш маҳсулотларга нисбатан рақобатбардошлигининг оширилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бозорига қўшимча маблағларнинг жалб қилиниши, мева ва сабзавотлар нархларининг пасайиши, маҳсулотнинг сифати ва аҳоли учун хавфсизлигининг оширилиши ҳамда янги иш ўринларининг яратилиши кутилмоқда.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПП-2460 сонли “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоралари тўғриси” ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2016 йил якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий Дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишидаги маърузаси.
3. МИИ нинг “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши” аналитик шарҳи. ПРООН, 2010 йил.
4. “Ўзбекистон иқтисодиёти” аналитик бюллетени. 2015 фил январь-декабрь. МИИ. 2016 йил.
5. 2015-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг инвестицион дастури.
6. «Иқтисодий шарҳ» журнали. № 8(200) МИИ, 2016 йил.